



Самарканд viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулбад, Самаркандского района, Самаркандской области  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

№ 1596-К  
г. «10» декабрь  
«Абдусаматова Мухарам Хайруллоевнага «Қўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ражабамин» маҳалласидаги мавжуд қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи худудидан савдо дўкони, автомобилларни таъмирлаш устахонаси, тикувчилик цехи ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуришга рухсат бериш тўғрисида»

Самарқанд шаҳар Термез кўчаси 223 уйда яшовчи Абдусаматова Мухарам Хайруллоевна туман ҳокими номига туман ҳокимининг 2013 йил 19 августдаги 830-К сонли «Самарқанд тумани «Қўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ражабамин» маҳалласи худудида жойлашган база бино иншоотларни қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехига айлантириш тўғрисида»ги қарори асосида фойдаланиш ҳуқуқи ўтказилган ер майдони ҳисобидан савдо дўкони, автомобилларни таъмирлаш устахонаси, тикувчилик цехи ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуришга рухсат беришни сўраб ёзган аризаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертиза хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20 моддасига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Самарқанд шаҳар Термез кўчаси 223 уйда яшовчи Абдусаматова Мухарам Хайруллоевнага «Қўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ражабамин» маҳалласи худудида ўзига тегишли 0.35 га ер майдони ҳисобидан савдо дўкони, автомобилларни таъмирлаш устахонаси, тикувчилик цехи ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуришга рухсат бериш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Абдусаматова Мухарам Хайруллоевнага савдо дўкони, автомобилларни таъмирлаш устахонаси, тикувчилик цехи ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадилов